

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧОРИЕВА ФЕРУЗА АМРУЛЛАЕВНА**

**БОЛАЛАР ХУЛҚИДАГИ САЛБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ  
КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Мактабга тайёрлов гуруҳлари мисолида)**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Чориева Феруза Амруллаевна**

Болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашнинг педагогик  
тизимини такомиллаштириш (мактабга тайёрлов гуруҳлари мисолида)..... 5

**Чориева Феруза Амруллаевна**

Совершенствование педагогической системы коррекции негативных  
изменений в детском поведении (на примере подготовительных групп)..... 21

**Chorieva Feruza Amrullaevna**

Improvement of pedagogical system of correcting negative changes in behavior  
of children (on example of preschool groups) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЧОРИЕВА ФЕРУЗА АМРУЛЛАЕВНА**

**БОЛАЛАР ХУЛҚИДАГИ САЛБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ  
КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Мактабга тайёрлов гуруҳлари мисолида)**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2021.2.PhD/Ped1520 билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эгамбердиева Турғуной Аҳмаджоновна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аскарова Ўғилой Мамашакировна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Абдуллаева Нафиса Шавкатовна  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори,  
(PhD) доцент

Ётақчи таъкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил "08" ~~сентябр~~ сентябр куни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй). (Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: qarshidu@mail.ru). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 201 хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (81 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: qarshidu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил "28" ~~сентябр~~ сентябр куни тарқатилди (2022 йил "28" ~~сентябр~~ сентябр даги 1 – рақамли реестр баённомаси).



Р.Д. Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси п.ф.д., профессор

И.Б. Камолов

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби  
п.ф.д. (PhD), доцент

Х.О. Жўрасв

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси п.ф.д. (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда барча давлатларнинг ривожланиш истиқболлари бевосита ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва руҳий саломатлиги, ахлоқий тарбиясига боғлиқ ва бу жараёнда болалар этикаси, ахлоқий камолоти, ижтимоийлашуви ва турмуш тарзи билан боғлиқ муаммоларни ечишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Чунки болалар хулқидаги лоқайдлик, агрессивлик, кўрқоқлик ва бошқа салбий ўзгаришларга эътиборсизлик қилиш ахлоқий инқирозни, соғлом турмуш тарзи ва маънавий хавфсизликка таҳдидни юзага келтирмоқда. 2000 йилда Дакарда бўлиб ўтган таълим бўйича Халқаро форум йиғилишида “Таълим барча учун” дастури доирасида 2015 йилгача таълим соҳасида эришилиши керак бўлган 6 та асосий мақсаддан бири сифатида кичик ёшдаги болаларни парваришлаш ва уларга таълим-тарбия бериш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш ва кенгайтириш белгиланади<sup>1</sup>. Мазкур омиллар болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашга доир тадқиқотларни ривожлантиришни талаб қилади.

Дунёнинг ривожланган давлатларида мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этиш, уларни оила билан МТТда интеграцион алоқаларни ривожлантириш ва тарбиявий таъсирнинг инновацион тизимлари ишлаб чиқиляётганлиги, педагог ходимларнинг касбий компетентлигини шакллантириш, тарбия муассасаларидаги мавжуд тизимни модернизациялашга муҳим аҳамият қаратиб келинмоқда. Жумладан, бу борада ёш авлод тарбиясидаги муаммоларга бўлган эътибор Россия Федерацияси “Таълим тўғрисида”ги қонунида, умумтаълим давлат стандартининг Федерал қисмида, Демократик фуқаролик ва инсон ҳуқуқлари бўйича таълим дастурида, АҚШ “Ақлий ёки асосий, ибтидо” лойиҳасида, Буюк Британия (The Early Years Foundation Stage – EYFS дастури), Германия (Hans-Dieter Schmidt, Sabine Naumann, Heidi Colberg-Schrader дастури)да ўз ифодасини топган. Мазкур тадқиқотлар орқали болаларнинг хулқидаги салбий ўзгаришларни ташхислаш ва коррекциялаш методологиясини такомиллаштириш, замонавий ёндашувлар орқали юқори натижаларга эришиш мақсад қилинмоқда.

Мамлакатимизда ҳам болалар тарбиясига миллий қадриятларимиз ҳамда жаҳон тажрибаси асосида интеграцион тарбия технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки “жамиятнинг тарбияга бўлган муносабатини бутунлай ўзгартирмасдан туриб, соҳани тубдан такомиллаштириш мумкин эмас”<sup>2</sup>. Бунинг учун “таълим-тарбия каби муҳим ва стратегик масалага эскича қараш, эскича билим ва тизим билан ёндашиш”<sup>3</sup>дан воз кечиш, инновацион асосларни яратиш долзарб вазифалардан бирига

<sup>1</sup>World Education Forum. 2000. The Dakar Framework for Action, Education for All: Meeting our Collective Commitments. Paris, UNESCO. [http://www.unesco.at/bildung/basisdokumente/dakar\\_aktionsplan.pdf](http://www.unesco.at/bildung/basisdokumente/dakar_aktionsplan.pdf)

<sup>2</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон. 2020. – Б. 148.

<sup>3</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон. 2020. – Б. 149.

айланмоқда. Айниқса, болалар тарбияси, уларнинг хулқидаги ўзгаришларни эрта аниқлаб коррекциялашга доир амалий вазифалар устувор аҳамият касб этмоқда. Бу борада болалар хулқида кузатиладиган салбий ўзгаришлар диагностикаси ва коррекцион ишларни “Илк қадам” давлат ўқув дастури асосида босқичма-босқич олиб бориш, бу жараёнда ижтимоий институтлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, салбий хулқни олдини олишнинг профилактик чора-тадбирини такомиллаштириш, шунингдек, болаларда аффилиация эҳтиёжи яъни, атрофдагилар билан ижобий алоқа ўрнатиш, сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, ижобий эмоционал мулоқотдан баҳра олишга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3955-сон Қарори, 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 802-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида”ги 1-сон буйруғида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бола хулқи ва унга таъсир этувчи омиллар ва воситалари ҳамда болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашнинг педагогик шарт-шароитлари ва психологик механизмлари республикамиз олимлари Э.Ғозиев, О.В.Хухлиева, Н.Эгамбердиева, Ш.Абдуллаева, Б.Умаров, Ю.Асадов, Р.Мусурманов, Б.Н.Сирлиев, Н.Исмаилова, И.М.Ҳакимовалар ҳамда бошқалар томонидан ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари Н.П.Дубинин, В.П.Эфроимсон, В.Н.Тенишев, Н.С.Канстонистов, Б.Ф.Сергеев, Ю.Б.Можгинский, Т.П.Смирнова, Л.М.Семенюк, А.А.Реанларнинг тадқиқотларида бола хулқидаги салбий ўзгаришлар ота-она ва фарзандлар ўзаро муносабатларининг шаклланиши билан бирга болаларнинг шахслараро муносабатларини тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ОАВнинг салбий таъсири сабабли юзага келишига оид масалалар ёритиб берилган. Жумладан, Е.А.Чепракова агрессив хулқ-

атвор шаклланишига оила ва оилавий муносабатларнинг таъсирини, Ю.Б.Можгинский, А.А.Реан, Л.М.Семенюк ҳиссий бузилишлар, хулқи оғишганлик, агрессив хулқ-атворнинг коррекцияси имкониятларини, гуруҳда турли ёш ва жинсдаги шахслар агрессив хулқининг ўзига хослигини, Т.П.Смирнова болалар ва ўсмирлардаги агрессив хулқ-атворнинг ривожланишига ОАВнинг таъсирини, А.А.Шавырина мактабгача тарбия ёшидаги болалар агрессив хулқининг ўзига хослигини ўрганганлар.

Хорижий тадқиқотларда болалардаги агрессив хулқ-атворнинг келиб чиқиши, ривожланиши, пайдо бўлиш омиллари ва сабабларини ўрганиш борасида жуда кўп тадқиқот ишлари олиб борилган. Хорижий олимлардан О.Ваметт, С.Л.Миллер-Перрин, Е.Ильин, Г.Паренс Г.Спенсер, З.Фрейд, Р.А.Шпиц, Анна Фрейд, Л.Н.Галигузова, Г.Ф.Харлоу томонидан болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни асосий келиб чиқиш сабаблари ва таъсир этишининг педагогик механизмлари ишлаб чиқилган. Жумладан, зўравонлик ва агрессив хулқ-атворнинг ўзаро алоқасини А.Бандура ва Р.Уолтерс, ота-она тарбиясининг болалардаги агрессивлик пайдо бўлишига таъсирини О.Ваметт, С.Л.Миллер-Перрин, ўсмирлардаги агрессив хулқ-атворнинг жамиятда ўз ўрнини англашдаги ролини А.Басс, онгни манипуляция қилиб, агрессив хулқ-атворга ундашда оммавий ахборот воситаларининг таъсирини Б. Крейхи, болалар ва ўсмирларда агрессия ва агрессив хулқ-атвор шаклланишининг сабабларини Р.Берон, Д.Ричардсон, агрессия профилактикаси ва коррекцияси масалаларини Л.М.Семенюк, Г.Э.Бреслав каби олимлар ўз тадқиқотларида ўрганиб чиққанлар.

Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни диагностика қилиш ва коррекциялаш муаммоси мамлакатимиз ҳамда хорижлик олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, мазкур муаммонинг тарбия механизмларини такомиллаштириш, мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришни “Ота-оналар учун” махсус дастур, мактабгача тарбия ёшидаги болалар тарбияси учун “Коррекцион дастур”, “Бола тарбияси” (<http://bolatarbiyasi.uz/>), “Мактабгача тарбия ёшидаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этиш методикаси” электрон дастури асосида коррекцион ишларни амалга ошириш, бола хулқини баҳолаш мезонларини аниқлаш масаласи махсус тадқиқот предмети бўлмаган. Таҳлиллардан англанадики, замонавий жамиятда боланинг ахлоқий тарбиясини ривожлантириш зарурати мавжуддир. Ушбу эҳтиёж болаларнинг маънавий-когнитив ривожланишини педагогик жиҳатдан ўрганиш ва бола хулқидаги салбий ўзгаришларни илмий-назарий ҳолатларини аниқлаш муаммосини юзага келтиради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университетида 2018-2020-йилларга мўлжалланган Давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги ПЗ-20170930223 – рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш тизимининг педагогик-психологик асосларини тадқиқ этиш ва илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактабгача ёшидаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларнинг педагогик ва психологик хусусиятлари ҳамда омилларини аниқлаш;

болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашда МТТ ва ижтимоий институтлар ҳамкорлиги асосида интеграцион дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш;

мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш методикасини такомиллаштириш;

тадқиқот давомида ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлик даражасини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари хулқидаги салбий ўзгаришларни диагностикалаш ва коррекциялаш жараёнидир.

**Тадқиқотнинг предмети** МТТда болалар тарбиясидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашнинг мазмуни, шакллари ва методлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда муаммога доир фалсафий, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-таҳлилий ўрганиш; МТТларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, социометрик методлар (сухбат, анкета) педагогик эксперимент ва натижаларни математик-статистик таҳлил этиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

мактабгача ёшдаги болалар хулқида намоён бўладиган интерференция жараёнини педоцентризм (боланинг бевосита талаби ва туғма қизиқиши) қонуниятларининг педагогик, психо-диагностик хизматни ташкил этиш мезонлари (боладаги тушкунлик, агрессивлик, кўрқоқлик, руҳий-эмоционал зўриқишни бартараф этиш, ишонч ҳиссини уйғотиш) билан алоқадорлиги асосида аниқлаштирилган;

мактабгача таълим ташкилотларида болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни диагностика қилиш ва коррекциялаш жаҳон тажрибаси асосида таклиф этилган ота-оналарнинг ижтимоий позицияни шакллантиришга йўналтирилган “Ота-оналар учун” махсус тарбиявий дастурни самарали ташкил этишнинг механизми превентив педагогика (боладаги чекланишларни олдини олиш) талаблари асосида модификациялаштирилган;

болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш мазмуни ассертив тафаккур (шахслараро мулоқот жараёнида ҳулқий мувозанатни таъминлаш учун энг мақбул қарорни қабул қилиш) жараёнидан аффилицион (ижобий алоқа ўрнатиш, сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш) эҳтиёжини ривожлантиришнинг интегратив стратегиясини асослаш орқали такомиллаштирилган;

тарбиячи-педагогларнинг болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этишга қаратилган ўқув-тарбиявий машғулотларини оптималлаштиришнинг тизимли методикаси уларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга



йўналтирилган ҳамда прагматик педагогикага асосланган (“Коррекцион дастур”, <http://bolatarbiyasi.uz/>, “Мактабгача ёшдаги болалар хулқ-атворидаги салбий ўзгаришларни бартараф этиш методикаси”) муаллифлик дастурлари асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашнинг методик тизими ишлаб чиқилган;

МТТ тарбияланувчилари хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш модели ва уни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитлари такомиллаштирилган;

болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашда муассаса ва ота-оналар ҳамкорлигига асосланган “Ота-оналар учун коррекцион дастур”и ҳамда дидактик таъминоти таклиф этилган;

мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш тизими “Коррекцион дастур”, “Мактабгача ёшдаги болалар хулқ-атворидаги салбий ўзгаришларни бартараф этиш методикаси” электрон дастури ҳамда <http://bolatarbiyasi.uz/> номли муаллифлик сайти орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқ этилаётган муаммога илмий-педагогик ёндашув, тадқиқот мақсади, предмети ҳамда педагогик вазифалар моҳиятига мувофиқ тадқиқот методларининг танланганлиги, тажриба-синов ишларига жалб этилган болалар сонининг белгиланган талабларга мослиги, тажриба-синов ишларининг статистик маълумотларга асосланганлиги ва математик-статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги, таҳлилий материалларнинг диссертация мазмунини ёритишга имкон берадиган ҳажмда эканлиги, диссертация мазмунининг илмий журналларда чоп этилган мақолалар ҳамда илмий анжуманлардаги маърузалар орқали оммалаштирилганлигида ўз аксини топган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш билан боғлиқ бўлган “Ота-оналар учун” махсус дастур, “Бола тарбияси”( <http://bolatarbiyasi.uz/>) сайти, “Мактабгача тарбия ёшидаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этиш методикаси” номли электрон дастурларнинг муаллифлик ёндашуви асосида ишлаб чиқилганлиги, “Мактабгача таълимда педагогик диагностика” фанидан ўқув қўлланма нашр этилганлиги, мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш тизимининг асосий омиллари, воситалари таҳлил этилганлиги, мавжуд назарий-фундаментал билимларнинг кенгайтирилганлиги, мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларнинг типологияси тартибланганлиги, типологиянинг психо-физиологик хусусиятларининг аниқланганлиги, мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш моделининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижасида мактабгача таълим педагогикаси болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашга оид ёндашувлар, илмий методик тавсиялар билан бойитилганлиги, болаларда салбий ўзгаришларни бартараф этишга хизмат қиладиган коррекцион

методик усуллар, методлар ва электрон дастурий таъминотнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан МТТ тарбиячилари, ота-оналар, малака ошириш курслари тингловчилари, олий ўқув юртларининг мактабгача таълим йўналиши талабалари болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш ишларини амалга ошириш жараёнида самарали фойдаланиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий натижалари:

мактабгача тарбия ёшидаги болалар хулқида намоён бўладиган интерференция жараёнини педоцентризм (боланинг бевосита талаби ва туғма қизиқиши) қонуниятларининг педагогик, психо-диагностик хизматни ташкил этиш мезонлари (боладаги тушкунлик, агрессивлик, қўрқоқлик, рухий-эмоционал зўриқишни бартараф этиш, ишонч ҳиссини уйғотиш) билан алоқадорлигига доир таклифлардан “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18-октябрдаги 03-03-3416-сон маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим сифатини ошириш ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантириш кўникмаларини такомиллаштириш асосида болалар хулқида кузатиладиган салбий ўзгаришларни бартараф этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни диагностика қилиш ва коррекциялаш жаҳон тажрибаси асосида таклиф этилган ота-оналарнинг ижтимоий позицияни шакллантиришга йўналтирилган “Ота-оналар учун” махсус тарбиявий дастурни самарали ташкил этишнинг механизми ҳамда болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашнинг мазмуни асертив тафаккур (шахслараро мулоқот жараёнида хулқий мувозанатни таъминлаш учун энг мақбул қарорни қабул қилиш) жараёнидан аффилицион (ижобий алоқа ўрнатиш, сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш) эҳтиёжини ривожлантиришнинг интегратив стратегияси мактабгача таълим йўналиши учун тайёрланган “Мактабгача таълимда педагогик диагностика” ўқув қўлланмасининг мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1-мартдаги 110-сонли буйруғига асосан 110-116 рақам билан рўйхатга олинган). Натижада мактабгача тарбия ташкилотлари тарбияланувчилари хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этишда педагогик диагностика имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

тарбиячи-педагоглар учун болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этишга қаратилган ўқув-тарбиявий машғулотларини оптималлаштиришнинг тизимли методикаси уларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган ҳамда прагматик педагогикага асосланган “Бола тарбияси”

(<http://bolatarbiyasi.uz>) муаллифлик дастуридан “Оила – жамият қадриятидир” амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18-октябрдаги 03-03-3416-сон маълумотномаси). Натижада мактабгача тарбия ёшидаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этиш механизмини самарали ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, жумладан, битта ўқув кўлланма, 17 та мақола, ОАК томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 1 та хорижий ҳамда 6 та республика илмий журналларида нашр қилинган. Дастурий маҳсулот учун Интеллектуал мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий матни 132 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу юзасидан хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни шакллантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “**Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашнинг илмий назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш муаммоси бўйича илмий тадқиқотлар ва педагогик-психологик адабиётлар таҳлили келтирилган.

Жамиятимизда ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир улкан вазифалар турибди. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг фаровонлиги, биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ. “Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак. Шу мақсадда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юртларини моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак”<sup>4</sup>. Бунинг учун эса таълимни ислох

<sup>4</sup>Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 10.

килиш, тарбиявий ишларни янги босқичга олиб чиқиш, ижтимоий хулқни коррекциялаб бориш, ёшларнинг, айниқса, болаларнинг ақлий ва рухий жиҳатдан барқарор ўсишини таъминлаш муҳим вазифалардан биридир.

Шахс маънавиятининг таркибий қисмларидан бири бўлган хулқни шакллантириш масаласига кишилик жамиятининг барча даврларида эътибор билан қараб келинган. Негаки, кишиларнинг хулқи, юриш туриши, савияси, муомаласи жамиятдаги муносабатларни тартибга солиб турувчи муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “хулқ” сўзининг тилимизга арабча сўздан кириб келганлиги ва у – “феъл-атвор”, “табиат”, “кайфият” каби маъноларни англатиши<sup>5</sup>, шу билан бирга, хулқ – кишининг муомала ва рухий хусусиятлари мажмуи, феъли, характери ва унга одат бўлиб қолган, такрорланиб турадиган хатти-ҳаракатлар, одатлар, қилиқлардир, – деб эътироф этилади.

Салбий хулқ бирор бир ташқи таъсир натижасида ички сабабларни чақирувчи ёки шахсий хатти-ҳаракатидаги негатив кўринишларни намоён бўлиши, кескин ўзгариши, психологик ҳолатдир.

Салбий хулқ психологик тушкунлик, боланинг ўзи учун муҳим бўлган объекти ва қадриятларини йўқотиши, унинг ривожланиш босқичидаги ёш даврларида намоён бўладиган ёки ижтимоий психологик мослаша олмаслиги ҳисобланади.

Бизнингча, болалар хулқидаги салбий хулқ ижтимоий ходисалараро, бола фаолияти, хулқидаги салбий муносабат, уларнинг аҳамиятини англамаслик, муайян ахлоқ меъёрлари ва тамойилларга хулқнинг мос келмаслиги, бола хатти-ҳаракатининг қораланиши ёки танқид қилинишидир. Агар салбий хатти-ҳаракатларни чақирувчи шароит ўзгармаса ва бу билан бир қаторда бола ҳеч қандай педагогик-психологик ёрдам олмаса, унинг салбий изтироблари кумуляция (кучайиб кетиш, чуқурлашмоқ) кўринишида намоён бўлади. Бу эса нафақат бола, балки жамият учун ҳам хавфлидир.

Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекция (тузатиш) қилишда диққатимизни қуйидаги педагогик шарт-шароитларга қаратишни лозим деб билдик:


ота-оналарга болалар психологияси, физиологияси ва педагогикасига доир билимлар бериш;

бугунги давр болалари саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва шунга кўра педагогик таъсир кўрсатиш йўллари аниқлаш;

маҳаллалардаги нотинч оилаларни аниқлаш ҳамда уларнинг болалар хулқига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жиҳатларини ўрганиш орқали муаммонинг асл сабабини очиб бериш.

<sup>5</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти, 2006. – Б. 422.

Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришлар қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлади:



**1-расм.** Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни юзага келтирувчи омиллар

Диссертациянинг иккинчи боби “**Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашнинг методик ва педагогик тизими**” деб номланган бўлиб, унда болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни диагностика қилиш ва коррекциялашнинг такомиллаштирилган модели, муаммонинг ечимига қаратилган методикаси ёритиб берилган.

Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш ишлари салбий хулқ типологияси ва турларини умумлаштирган ҳолда илмий жиҳатдан тасниф қилинди. Бунда болалар хулқидаги салбий ўзгаришларнинг энг муҳим кўринишлари ва хусусиятлари кайд этилди. Болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

нотўғри ташкил этилган тарбия натижасида юзага келадиган салбий ўзгаришлар.

ривожланишидаги (психологик ва физиологик) камчилиги натижасида юзага келадиган салбий ўзгаришлар.

ижтимоий муҳит натижасида юзага келадиган салбий ўзгаришлар.

зарарли ахборотлар таъсирида юзага келадиган салбий ўзгаришлар ва бошқалар.

Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш учун дастлаб ота-оналар билан педагогик ва психологик тарбиявий ишларни самарали йўлга қўйиш мақсадида “Ота-оналар учун” махсус дастури таклиф этилди. Ушбу дастур танишув-диагностик, назарий ва амалий машғулотлар интеграцияси, коррекцион-методик ва якуний-баҳолаш босқичларидан иборат тарзда тузилди.

Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларнинг профилактикаси учун ота-оналар бевосита масъулдир. Мактабгача тарбия

ёшидаги болалар хулқ-атворидаги салбий ўзгаришлар боланинг 1,5-3 ёшлигидан кўзга ташлана боради. Бу вақтда ота-онанинг лаёқатсиз, лоқайдлиги мазкур муаммонинг кучайишига олиб келиши мумкин.

Ибн Сино ҳам боланинг салбий хулқли бўлишига ота-онанинг укувсизлиги, тажрибасизлиги сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлайди ва “Ота-она ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан оилада тарбия масалаларини мукамал ўзлаштирмоғи лозим. Агар улар тажрибасиз бўлса, ўз оила аъзоларини яхши тарбиялай олмайди, охир-оқибат у яхши ижобий натижаларга эриша олмайди. Ёмон тарбия кўрган бола нафақат ушбу оила, балки кўшниларга, маҳалла-кўйга ҳам ёмон зарар келтириши мумкин”<sup>6</sup> деб тушунтиради.

Ота-оналар хулқидаги салбий иллатлар: кўполлик, агрессивлик, сабрсизлик, дангасалик, инжиқлик кабилар болалар хулқида намоён бўлмоқда. Ўз-ўзидан кўринадики, болалар бевосита ижтимоийлашиш жараёнида ўзлари учун аҳамиятли бўлган турли моделларни ўзлаштириш билан бирга, катталар хулқидаги барча хусусиятларни ҳам ўзлаштириб борадилар. Мактабгача ёшдаги болаларда ижобий хулқни шакллантиришда ўзини-ўзи қадрлашга эришишга бўлган муносабатни, ижтимоий муҳитда тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали ижобий мотивацияни ва ижтимоий-ахлоқий тажрибани кўллаб-қувватлаш, меҳнатга ижобий муносабатларини шакллантириш ҳамда уларнинг кайфиятларидаги тушкунликни бартараф этишга эришиш мақсадга мувофиқдир.

Болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш муаммоси юзасидан педагогик-психологик адабиётлар таҳлили, МТТда олиб борилган машғулотлар мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш моделини тузиш имконини берди. Мазкур моделда муаммога педагогик ёндашувни амалга ошириш, салбий хатти-ҳаракатларни бартараф этиш воситалари, йўллари, усуллари ўз аксини топган (2-расм).

**“Болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш педагогик тизимини такомиллаштиришнинг самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш бўйича тажриба-синов ишлари натижаларининг таҳлили ёритиб берилган.

Тадқиқот натижалари асосида мактабгача тарбия ёшидаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашнинг психологик мезонлари сифатида қуйидагилар танлаб олинди:

шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини амалга оширишдаги маънавий-ахлоқий ҳаракатлари;


амалга оширилаётган хатти-ҳаракатнинг ҳаётийлиги, ижтимоийлик нуқтаи назаридан мумкинлиги ва ахлоқий нуқтаи назардан тўғрилигига ишончининг мавжудлиги;

атрофдагиларни тушуниш, улар билан мулоқот ва ҳамкорлик;

ўз-ўзини назорат қилиш – ўз хатти-ҳаракатини ахлоқ меъёрлари асосида назорат қилиш.

---

<sup>6</sup>Жабборов А.М. Миллий психологиянинг шаклланиш манбалари. – Қарши: Насаф, 2017. – Б. 77-82.



2-расм. Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш модели

Тажриба-синов ишларининг биринчи ва иккинчи босқичи жараёнларида респондент-тарбияланувчи, тарбиячи ва ота-оналарнинг муаммо сабабларини аниқлашга қаратилган махсус анкета-сўровномалари ҳамда махсус “Кактус”, “Мавжуд бўлмаган ҳайвон” тестларидан фойдаланилди. Юқоридаги методика ва бошқа бир қатор махсус тестлар натижасида мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни аниқлашга эришилди.

Бундан кўринадики, мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришлар орасида етакчи иллат бу – агрессивлик ва эгоистлик экан. Чунки агрессив болада меҳрибонлик ва муомала қилиш кўникмаси йўқлигини кўрсатган бўлса, хулқида эгоистлик кузатилган болада ҳамкорлик қила олиш кўникмаси етарли эмаслиги аниқланди. Шу боис таклиф этган баҳолаш мезони кўрсаткичлари бўйича ҳаракатланиш лозимлиги белгилаб олинди.

Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этишда тарбиявий таъсир ўтказишнинг бир қатор усулларида фойдаланишни кўзда тутади:

*тўғридан-тўғри таъсир* – боланинг бошқа бир ўртоғига бевосита шахслараро таъсири бўлиб, бу таъсир боланинг бир-бири билан тўғридан тўғри мулоқотга киришганида амалга ошади. Мазкур усулни амалга оширишда “Коррекцион дастур” режасида таклиф этилган “Саломлашиш”, “Сеҳрли дўкон”, “Энг...” тренинги, “Кечиринг ва узр”, “Собитқадамлик”, “Албатга”, “Хатарли учрашув”, “Рангли мактублар”, “Мен нимани хоҳлайман”, “Меҳмонга ширин кулча” номли диагностик-коррекцион методикалардан фойдаланиш самарали натижа берди;

*воситаланган таъсир* – қандайдир воситалар ёрдамида, кишининг бир-бири билан шахсий мулоқотсиз амалга ошадиган таъсирлардир. Таклид қилиш ва ихлос уйғотиш *тўғридан-тўғри таъсир ўтказиш* усулларига киради. Қайд этиш жоиз, айнан шу усуллар тез тарбиявий таъсир қиладиган ва самарадор ҳисобланади. *Воситаланган таъсир ўтказиш* китоблар, видео роликлар, кинофильмлар воситалари орқали етказилиши билан амалга оширилади. Мазкур усул турли томонлама ва узоқ таъсир ўтказиш хусусиятига эгаллиги билан аҳамиятли. Шу сабабли биз тадқиқотимиз давомида ишлаб чиққан ва <http://bolatarbiyasi.uz> сайтида таклиф этилган “Одобни одобсиздан ўрган”, “Меҳри борнинг сеҳри бор”, “Овқатланиш одоби”, “Олтин олма, дуо ол”, “Қилмиш-қидирмиш” видеороликларини тақдим этиш орқали натижага эришдик.

Бола хулқидаги салбий хулқни коррекциялашда “Мактабгача тарбия ёшидаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этиш методикаси” электрон дастур ишлаб чиқилганлиги ва дастурдаги “Менинг фазилатим”, “Мен қандай боламан”, “Хушфёъл” методикалардан тизимли фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Шунингдек, “Ота-оналар учун” махсус дастурда “Реал ҳаёт билан тўқнаш”, “Нишон”, “Бошқарув”, “Кўзгу” “Гиперғамхўрлик бола учун зиён”, “Учрашув” каби тарбиявий ишларнинг олиб борилиши натижасида бола хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш даражаси куйидаги кўринишга эга бўлди:




**Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни  
коррекциялаш бўйича тажриба охиридаги кўрсаткичлар**

Барча МТТ лардаги кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%	Тажриба бошида	%	Тажриба охирида	%
Юқори	40	24,8	63	39,1	41	25,9	49	31,0
Ўрта	54	33,5	77	47,8	51	32,3	63	39,9
Паст	67	41,6	21	13,0	66	41,8	46	29,1
<b>Жами:</b>	<b>161</b>	<b>100,0</b>	<b>161</b>	<b>100,0</b>	<b>158</b>	<b>100,0</b>	<b>158</b>	<b>100,0</b>

Тажриба-синов натижалари таҳлилига кўра, тадқиқот жараёнига жалб этилган тажриба гуруҳидаги мактабгача ёшдаги болалар назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан билим, кўникма ва малакалари самарали шаклланганлиги аниқланди. Тажриба-синов натижалари статистик таҳлилини амалга ошириш учун Стьюдент ва Пирсон методлари танланди. Мазкур метод икки гуруҳда қайд этилган кўрсаткичларни аниқлаш ва объектив баҳолаш имконига эга. Математик статистик методнинг моҳиятига кўра дастлабки босқичдаги каби тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган танланмалар сифатида белгиланиб юқори, ўрта ва паст даражалар бўйича вариацион қаторларни ҳосил қилиш лозим бўлди.

Юқоридаги жадвал маълумотларини таққослаш мақсадида қуйидаги диаграммани ҳосил қиламиз.



**3-расм.** Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш бўйича ўзлаштиришнинг якуний кўрсаткичларининг диаграммаси

Олинган сонли маълумотларни математик-статистик таҳлил қилишда Стьюдентнинг танлама мезони, К.Пирсоннинг мувофиқлик критерийси, Лаплас функциясидан фойдаланилди.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1- ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз:

2-жадвал

**Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш бўйича ўтказилган тажриба-синов натижалари**

	1-танланма				
<b>Тажриба гуруҳи</b>	X <sub>i</sub>	Юқори	Яхши	Ўрта	Жами
	n <sub>i</sub>	<b>63</b>	<b>77</b>	<b>21</b>	<b>n=161</b>
	2-танланма				
<b>Нazorat гуруҳи</b>	Y <sub>j</sub>	Юқори	Яхши	Ўрта	Жами
	m <sub>j</sub>	<b>49</b>	<b>63</b>	<b>46</b>	<b>m=158</b>

МТТ тарбияланувчиларида ижобий хулқ шаклланганлик даражасини қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned} \bar{X} &= \frac{1}{n} \sum_{i=1}^3 n_i X_i = \frac{1}{161} (63 \cdot 5 + 77 \cdot 4 + 21 \cdot 3) = \frac{1}{161} (315 + 308 + 63) = \\ &= \frac{686}{161} = 4,26 \approx 4,2 \end{aligned}$$

Фoизда  $\bar{X}\% = \frac{4,26}{3} \cdot 100\% = 142\%$

$$\begin{aligned} \bar{Y} &= \frac{1}{m} \sum_{j=1}^3 n_j Y_j = \frac{1}{158} (49 \cdot 5 + 63 \cdot 4 + 46 \cdot 3) = \frac{1}{158} (245 + 252 + 138) = \\ &= \frac{635}{158} = 4,01 \approx 4,0 \end{aligned}$$

Фoизда  $\bar{Y}\% = \frac{4,01}{3} \cdot 100\% = 133\%$

Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичидан  $(142 - 133) \cdot \% = 9\%$  га юқори экан. Бу эса ўз навбатида  $\frac{142\%}{133\%} = 1,06$  баробар ортиқлигини англатади.

Демак, тажриба гуруҳида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагидан юқори экан:  $\bar{X} > \bar{Y}$ .

Юқоридаги ҳисоблашлардан маълум бўлдики, ишлаб чиқилган методика самарадорлигининг баҳолаш мезони ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катта экан. Бундан шуни айтиш мумкинки, тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳидагидан юқори экан.

Ушбу ўзлаштириш кўрсаткичларини фоизларда ҳисоблаймиз:

$$P = \frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{3} \cdot 100\% = 0,89 \approx 0,9 = 9\%$$

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳиникига нисбатан 9% га ошган.

Олинган натижалардан ишлаб чиқилган методика самарадорлигини баҳолаш мезонининг бирдан катталиги билан ва билиш даражасининг баҳолаш мезонини нолдан катталиги орқали кўриш мумкин. Демак, тажриба гуруҳидаги ўзлаштиришлар кўрсаткичи назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Тадқиқот давомида ўтказилган тажриба-синов ишида аниқландики, тажриба давомида апробациядан ўтказилган МТТ тарбияланувчилари хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялашга доир ишлаб чиқилган методиканинг тарбиячилар фаолиятида ҳамда оилада қўллаш учун қулай ва самарали эканлиги тасдиқланди.

## ХУЛОСА

1. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш тизими ижтимоий компетентлилик билан алоқадор бўлиб, ижтимоий фаолликни ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий фаолиятни ташкил этиш жараёни ва натижасидир. Ушбу салбий ўзгаришлар оиладаги муҳитнинг носоғломлиги, ота-оналардаги физиологик, психологик-педагогик билимлар етишмовчилиги, ОАВнинг салбий таъсири, бола ҳаётининг нотўғри режалаштирилиши ва ижтимоийлашувнинг қийин кечиши каби омиллар таъсири остида юзага келади.

2. МТТларда тарбияланувчилар билан амалга оширилаётган коррекцион тадбирлар жараёни бошқа болалардан фарқли равишда махсус тарбиявий вазифаларни ишлаб чиқиш; уларда атроф-муҳит билан ўзаро уйғунликни таъминлаш орқали ижтимоий воқеликка онгли муносабатни шакллантириш каби муҳим жиҳатларни ўзида акс эттиради.

3. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш тизимини йўлга қўйишда объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олиш, шунингдек, мазкур жараёнга тарбиячилар, педагоглар, психологлар, физиологлар, ота-оналарни жалб этиш ҳамда улар фаолиятларини интеграциялашга доир ишлаб чиқилган дастур ва методика ижобий натижа беради.

4. Мактабгача таълим ташкилотларида болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни коррекциялаш мақсадида ташкил этиладиган тадбирларда тарбиянинг турли ташкилий шакллари уйғунлаштириш: индивидуал, гуруҳий, жамоавий кўриниши асосида фаолиятини ташкил этиш лозим. Ушбу методикани қўллашда боланинг психо-физиологик хусусиятларини ўрганиш ва тарбия жараёнида ҳисобга олиш лозимлиги;

5. Болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этишда соғлом турмуш тарзига амал қилиш, меҳнатга ижобий муносабатни шакллантириш, ҳамкорликда ишлашга ўргатиш, қийинчиликларни мустақил енгиб ўтиш,

инсонпарварлик, ҳар бир ҳаракатга маъсулиятли бўлиш, ташкилотчилик кўникмаларини шакллантириш орқали эришиш мақсадга мувофиқ.

6. Тадқиқот муаммосига доир олиб борилган тажриба-синов ишлари давомида илмий изланишларимиз асосида ишлаб чиқилган болалар учун “Бола тарбияси” ҳамда “Ота-оналар учун махсус дастур”, “Мактабгача ёшдаги болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этиш методикаси” номли электрон дастурлар муаммони самарали ҳал этиш ечимларидан бири эканлиги исботланди.

## ТАВСИЯЛАР

1. Глобаллашув жараёнида болалар хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш лозим.

2. Оилавий низоларнинг профилактик чора-тадбирлар тизимини такомиллаштиришга доир методик кўрсатмалар ишлаб чиқилиши болалар хулқидаги муаммоларни бартараф этишда оиланинг ролини кучайтиришга хизмат қилади.

3. Ота-оналарнинг педагогик, психологик, физиологик билимлар интеграциясини ривожлантиришда визуал материаллар тизимини такомиллаштириш методиканинг қўлланилувчанлигини оширишга ёрдам беради.

4. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг малакасини оширишда масофавий таълим мазмунини болалар фаолиятини ташкил этишнинг замонавий методикалари, хусусан, ота-оналар учун махсус дастур ва тарбияланувчилар учун ишлаб чиқилган коррекцион дастур асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 ПРИ**

**КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЧОРИЕВА ФЕРУЗА АМРУЛЛАЕВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ  
КОРРЕКЦИИ НЕГАТИВНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ  
В ДЕТСКОМ ПОВЕДЕНИИ**

**(на примере групп дошкольной подготовки)**

13.00.08 – Теория и методика дошкольного образования и воспитания

**АВТОРЕФЕРАТ**

диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

**Карши – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2021.2.Phd/Ped1520 билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

Эгамбердиева Турғуной Аҳмаджоновна  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

Асқарова Ўғилой Мамашакировна  
педагогика фанлари доктори, профессор

Абдуллаева Нафиса Шавкатовна  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори,  
(PhD) доцент

**Ётакчи ташкилот:**

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил "28" февраль куни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй). (Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: qarshidu@mail.ru). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 201 хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (81 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (+99875) 225-34-13, факс: (+99875) 221-00-56, e-mail: qarshidu@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил "28" январь куни тарқатилди  
(2022 йил "28" январь даги 1 – рақамли реестр баённомаси).



**Р.Д. Шодиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси п.ф.д., профессор

**И.Б. Камолов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби  
п.ф.д. (PhD), доцент

**Х.О. Жўрасв**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси п.ф.д. (DSc), доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Во всём мире перспективы развития всех стран непосредственно зависят от физического и психического здоровья, нравственного воспитания подрастающего поколения, и в данном процессе одной из актуальных задач становится разработка новых подходов к решению проблем, связанных с детской этикой, нравственной зрелостью, их социализацией и образом жизни. Так как невнимательность к равнодушию, агрессии, трусости и другим отрицательным изменениям в детском поведении приводят к нравственному кризису, угрозе здоровому образу жизни и духовной безопасности. На собрании Международного образовательного форума, проведенного в Дакаре в 2000 году, в рамках программы «Образование для всех» в качестве одной из шести основных целей, которые должны быть достигнуты в области образования к 2015 году, было определено улучшение и расширение мер по уходу и обучению детей младшего возраста<sup>1</sup>. Эти факторы требуют развития исследований по коррекции отрицательных изменений в детском поведении.

В развитых странах мира большое внимание уделяется устранению негативных изменений в поведении детей дошкольного возраста, развитию интеграционных связей семьи и учреждений дошкольного образования и воспитания, а также развитию инновационных систем воспитательного воздействия, формированию профессиональной компетентности педагогических сотрудников, модернизации действующей системы в воспитательных учреждениях. В частности, внимание проблемам воспитания подрастающего поколения отмечается в Конституции Российской Федерации, Законе «Об образовании», Федеральной части государственного общеобразовательного стандарта, образовательной программе демократического гражданства и прав человека, проекте США «Ментальный или основной, начальный», Великобритании (программа EYFS – The Early Years Foundation Stage), Германии (программы Hans-Dieter Schmidt, Sabine Naumann, Heidi Colberg-Schrader). Целью этих исследований является улучшение методологии диагностики и коррекции негативных изменений в поведении детей, достижение высоких результатов с помощью современных подходов.

В нашей стране также уделяется особое внимание внедрению интегрированных технологий в воспитание детей на основе наших национальных ценностей и мирового опыта. Так как «невозможно кардинально усовершенствовать отрасль без полного изменения отношения общества к воспитанию»<sup>2</sup>. Для этого, одной из актуальных задач является отказ от «устаревшего подхода, знаний и системы к такому важному и стратегическому вопросу, как образование и воспитание»<sup>3</sup>, создать

---

<sup>1</sup> World Education Forum. 2000. The Dakar Framework for Action, Education for All: Meeting our Collective Commitments. Paris, UNESCO. [http://www.unesco.at/bildung/basisdokumente/dakar\\_aktionsplan.pdf](http://www.unesco.at/bildung/basisdokumente/dakar_aktionsplan.pdf)

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. От национального возрождения к национальному возвышению. Том 4. – Ташкент: Узбекистан. 2020 г. – С. 148.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. От национального возрождения к национальному возвышению. Том 4. – Ташкент: Узбекистан. 2020 г. – С. 149.

инновационную основу. В частности, первостепенное значение приобретает практические задачи воспитания детей, ранняя коррекция изменений в их поведении. В связи с этим, диагностика негативных изменений в поведении детей, выполнение коррекционных работ на основе программы «Первый шаг», усиление взаимодействия социальных институтов, совершенствование профилактических мер по предотвращению негативного поведения, а также необходимость установления аффилированности у детей, т.е. поддерживать и укреплять общение, улучшать педагогические условия подготовки к получению положительного эмоционального общения имеют важное значение.

